

Кириш

3

I боб. Солиқ сиёсатини амалга оширишнинг назарий асослари

- 1.1. Солиқ тушунчаси ва унинг туркумланиши
- 1.2. Солиқ сиёсатини амалга оширишнинг моҳияти ва зарурати
- 1.3. Иқтисодий соликлар тизими орқали тартибга солишнинг услубий асослари

II боб. Маҳаллий солиқ сиёсатини амалга ошириш кўрсаткичлари таҳлили

- 2.1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ сиёсати натижалари таҳлили
- 2.2. Тошкент вилояти Бўка туманида солиқ сиёсатини юритиш ҳолати таҳлили

III боб. Маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

- 3.1. Солиқ сиёсатини юритишнинг жаҳон тажрибаси
- 3.2. Маҳаллий солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари
- 3.3. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тўғри йўл тутганлиги, унинг ривожланиши асосида қабул қилинган тамойилларнинг мантикий яхлитлиги ва кенг қамрови, энг муҳими, уларнинг халқимиз ҳаёти мазмун-моҳиятини чуқур ифодалай олганлиги яққол намоён бўлмоқда. Танланган мавзунинг долзарблиги борасида Президент Ислоҳ Каримов “Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.”¹ деб қайд этиб ўтганлар.

Мамлакатимиздаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, кенг таркибий ўзгаришлар 2011 йилда ҳам ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатди. Эришилган натижа ва муваффақиятларнинг кенг таҳлили ҳамда келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масалаларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маъруза қилди. Унда мамлакатда танланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини баҳолаш ва 2012 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

¹ Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

Солиқ тизимининг қанчалик узоқ давом этиши унини қанчалик илмий асосланганлигига барқарорлигига боғлиқ. Бизнинг давлатимизда ҳам солиқ тизимига алоҳида аҳамият берилиб, бир қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинмоқда ва унинг эркинлаштирилишига эришилмоқда. Солиқ тизимини эркинлаштириш мазкур соҳаларда эришиладиган ютуқлар гаровидир. Шу сабабли, мамлакатимиз ривожланишининг муҳим устувор йўналиши сифатида солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг белгиланиши бежиз эмас. Бу борада давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир: “Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда. Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.”²

Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш (ривожлантириш) кўп жиҳатдан солиқ тизимига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора ривожланиш ва бюджет муносабатларига таъсир этишнинг муҳим омили бўлган солиқ тизими ҳам шу тарзда ислоҳ этишни, унинг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда ва молиявий ҳолатни

² Каримов И.А. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маурузас. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодиётнинг барқарорлигига ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади”³. Ушбу фикрлардан ҳам кўришимиз мумкинки, солиқ тизими иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Солиқларнинг назарий асосини ўрганиш ва уни республикаимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилиш ҳамда ривожлантириш зарурати яққол кўзга ташланмоқда. Солиқ борасидаги ислоҳотлар иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида бир қатор умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишга ёрдам бериши лозим. Бу вазифаларга мамлакатнинг молия ва пул-кредит муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий субъектларнинг мулкчилик шаклларида ва хўжалик юритиш усулларида қатий назар бозор муносабатларига мослашишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби бир қатор долзарб муаммолар киради. Шу билан бирга солиқ тизими хўжалик фаолиятининг барча турларига нисбатан бир текис талаблар қўйиши лозим. Мазкур битирув малакавий ишининг долзарблиги ҳам ана шунда.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг самарали ижросини таъминлаш ва мукамал бошқариш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқлараро муносабатларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар XX аср хорижий иқтисодчи олимлардан Ж.Кейнс, М.Радионова, С.Брю, Л.Лаффер, К.Макконелл, Л.Павлова, П.Смуэльсон, М.Фридман, И.Русакова, Д.Черник, Л.Абалкин ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган. Ушбу масалалар республикаимиз олимлари А.Ваҳобов,

³ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 49-бет.

А.Жўраев, М.Альмарданов, Т.Баймуратов, Қ.Яҳёев, Ж.Абдуллаев, Э.Гадоев, О.Олимжонов, Қ.Бозоров,Р.Каримов ва бошқа иқтисодчи-олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топмоқда.

Битирув малакавий ишимизнинг асосий мақсади маҳаллий солиқ сиёсатининг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш асосида маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари тавсия қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалар:

- Солиқ сиёсатини амалга оширишнинг назарий жиҳатларини асослаш;
- Солиқ тушунчаси ва унинг туркумларини ўрганиш;
- Иқтисодиётни солиқлар тизими орқали тартибга солишнинг услубий асосларини тадқиқ қилиш;
- Маҳаллий солиқ сиёсатини амалга ошириш кўрсаткичлари таҳлилин асосида амалга ошириш;
- Тошкент вилояти Бўка туманида солиқ сиёсатини юритиш ҳолати таҳлил қилиш;
- Маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари намоён этиш;
- Маҳаллий солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишларини келтириш;
- Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш йўллари шакллантириш.

Битирув малакавий ишининг объекти қилиб Ўзбекистон Республикасида амалга ошириб келинаётган Солиқ сиёсати олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети. Ишда маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари шакллантириш ва уларни янада соддалаштириш жараёнини тадқиқ этилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат.

-Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари ёритиб берилган.

-Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ сиёсатининг ролини янада кенгайтиришнинг аҳамияти ва моҳияти очиб берилган.

Битирув малакавий иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг назарий, ҳуқуқий, иқтисодий асослари ва уларнинг моҳияти, объектив зарурлиги ҳамда давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан тامينлаш, шу жумладан солиқ тизими макроиқтисодий барқарорлик билан узвий боғлиқлиги.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида солиқ тизими республикада макроиқтисодий кўрсаткичларидан ҳамда унинг элементлари билан ўзаро таҳлили ёритилган. Шунингдек, Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси маълумотларига асосан туманда бюджет даромадлар қисмининг бажарилиш ҳолати таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида солиқ тизимини рағбатлантирувчи омиллар ва хорижий давлатда солиқ тизимининг илғор тажрибаларини республикадаги солиқ тизимига солиштирмаси ҳамда маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари атрофлича кўриб ўтилди.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижасида олинган хулосалар умумлаштирилган ва такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

I боб. Солиқ сиёсатини амалга оширишнинг назарий асослари

1.1. Солиқ тушунчаси ва унинг туркумланиши

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши на унинг фаолияти давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлат иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқелик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда уидириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ўзаро хамжиҳатлик билан муваффақиятли фаолият кўрсатишига уни оқилона бошқариш орқали эришилади. Иқтисодиётни бошқариш, деганда жамият эҳтиёжлари ўзгариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган айрим тармоқлар ривожланиши даражасига таъсир кўрсатишни тушуниш мумкин. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилишига катта таъсир кўрсатади. Бундай аралашувнинг зарурияти мамлакатда доимий иқтисодий ўсишни ҳамда асосий товар ва хизматлар баҳоси барқарорлигини таъминлашдан келиб чиқади. Бундан ташқари, давлат иқтисодий сиёсатининг товар экспорти ва импортини эътиборга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни муваффиқлаштириб туриш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш каби турли йўналишлари иқтисодиётни бошқаришда ўз аксини топиши лозим.

Республикада иқтисодиётни бошқаришнинг иқтисодий усулларида бири бўлган молия механизми ва айниқса, унинг энг фаол бўлган солиқ механизми ёрдамида иқтисодиётни ўрганиш, энг оқилона шакллари кидириб топиш ўта мураккаб ва серқирра муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. «Солиқлар иқтисодиётни тартибга солувчи восита» концепцияси иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни бошқаришда солиқлардан фойдаланишни англатади.

Макроиктисодий даражада давлат солиқ ставкаси миқдорига ўзгартириш киритиш орқали инфляцияни чегаралаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлараро мукамал жойлашишини тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва ниҳоят, умумиктисодий ўсишни таъминлаш каби кенг қўламли глобал мақсадларга эришиши, макроиктисодий даромад эса, фаолият кўрсатаётган кўпчилик субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсир этиши мумкин. Мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топиши, ижтимоий жараёнларнинг демократлашуви солиқ орқали бошқаришнинг аҳамиятини оширган ҳолда, солиқ механизмини танлашда асосий эътиборни унинг бошқарув билан боғлиқ вазифалари самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Янгидан шаклланган солиқ тизими қуйидаги асосий вазифаларни бажаришни таъминлаши лозим:

фискал вазифа – солиқлар тўлаш орқали давлатни бошқариш учун моддий шароит яратиш;

ижтимоий вазифа – солиқ орқали ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги барқарорликни таъминлаш;

иктисодий вазифа – солиқлар тизимини иқтисодий ўсиш, инфляцияни камайтириш, бандлик даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестиция ва жамғармаларни кўпайтириш, инновация жараёнини кучайтиришга қаратиш.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида юзага келади.

Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ була олмайди. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат

мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот кийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлади, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, катъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

Биринчи белги-мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлади, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб куяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун қафолатланган.

Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага-давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондларига тушади.

“Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тadbиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ қилиб олиш учун Олий мажлисининг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очик, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади”⁴.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта, эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Бу ҳақда кўплаб йирик иқтисодчилар ва давлат арбоблари ўз асарларида кўрсатиб утган. Уни давлат, шу билан бирга солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини

⁴ Поляк Г.Б. Солиқлар ва солиққа тортиш.: Ўқув қўлланма -М.: “ЮНИИТИ”, 2003, 63 бет.

ҳисобга олиб солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молявий ресурслар туплаш учун фойдаланилади.

-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1.Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ..	1.Мол-мулк солиғи.
2.Жисмоний шахслар даромадига солиқ..	2.Ер солиғи.
3.Қўшилган киймат солиғи.	3.Ягона солиқ..
4.Акциз солиғи.	4.Инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
5.Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи.	5.Жисмоний шахсларнинг транспорт ёқилғиси учун истеъмол солиғи.
6.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ..	6.Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб келганлиги учун ягона божхона тўлови.
7.Савдо ва умумий овкатланиш ташкилотларидан ялпи даромад солиғи.	7.Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими.
8.Божхона божи.	8. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи.ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими.
9..Давлат божи.	9.Бошқа тўловлар.
10.Кимматли қоғозларни руйхатдан ўтказиш йиғими.	
11.Бошқа даромадлар.	

Манба: Ишмухамедов А.Э., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. *Макроиқтисодиёт (Ўқув қўлланма)*. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005 й. 74 бет.

Жадвалда кўриниб турибдики, хозирги кунда солиқлар кодексда умумдавлат (республика) солиқлари ва маҳаллий солиқлар киради.

Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳланади. Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга булинади:

- оборотдан олинадиган солиқлар;
- даромаддан олинадиган солиқлар;
- мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар;
- ер майдонига қараб олинадиган солиқлар..

Айланма маблағлардан олинадиган солиқлар га қушилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юқлаб юборган қиймат билан улчанади Ялпи тушумдан олинадиган яғона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлар и киради. Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи, экология, автомобил машиналарини қайта сотиш солиғи ва бошқалар киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг яғона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқхўжалик) ва жисмоний шаахсларнинг ер солиқлари киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар билвосита ва бевосита бўлинади.

Солиқларнинг умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга булиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари Ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, Ўз бюджетига

ва уни таъминлайдиган солиқлар га эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат микёсида катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий химоясини ташкил этиш ва бошқа бир катор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлар и ҳам салмокли бўлиши шарт. ҚҚС, акциз солихи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқлар ининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлар дан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Агар келгуси йил маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлар и) купайиб колса, республика солиқлар дан ажратма беришнинг хожати колмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятига эга бўлади, бюджетга туланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига караб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга якин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғликни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва кишлоклар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет Ҳаражатларининг 30-40 фоизини коплайди, ҳолос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби ҳукумат карорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини купайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Факат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фағат шу худуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш

(баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда илгари кўрсатганимиздек худуддан республика бюджетига тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади. (масалан, ҚҚС, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш учун 100 фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, маҳаллий ҳукуматларни ўз худудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 фоизгача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Субвенция ёки субсидия услублари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз худудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боқи беғамлик кайфиятини кучайтиради.

Солиқ тизимининг такомиллашганлиги солиқ турлари, ставкалари, солиқларнинг давлат бюджети таркибидаги даромадининг нисбати мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қай даражада мос келиши, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш мақсадларига мутаносиблиги билан белгиланади.

1.2. Солиқ сиёсатини амалга оширишнинг моҳияти ва зарурати

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши объектив заруратдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, улар солиқларнинг объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятнинг норентабел (мудофаа, тиббиёт, фан, маориф, маданият ва бошқа) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқлар объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди. Вахоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладигани, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чикувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Давлатнинг бажарадиган функциялари вазифалари куп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан бази ижтимоий химояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йуқола борса, янги вазифалар пайдо була бошлайди. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, куп болали оналар бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фаркни бюджет ҳисобидан коплайди, бундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий химояга мухтож кам таъминланганларга

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: Биринчидан, давлатнинг катор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти конун-қоидалари моддий ёрдам кўрсатади. Шу билан бирга,

давлат жамият аъзолари осойишталигини мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустакамлаб туришга ҳам маблағ сарфлайди, қолаверса, фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб қўйди.

Қайд этиш лозимки, хозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида кулланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида манлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ходисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишли, бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш, уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиёт жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ, тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келган. Давлат тузилиши шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш

ушуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келган. Масалан, Шарк мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй хайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усул ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Уша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларга узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айна шу хусусиятига кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқди.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита қуроли ҳисобланади.

Солиқни тулаш хужалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор-бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, ракобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфратузилмасини барпо қилишга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва шу қабиларга хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган малумотларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

1.3. Иқтисодий солиқлар тизими орқали тартибга солишнинг услубий асослари

Аввало солиқ тизими ва солиққа тортиш тизимининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур. Солиқ тизими моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир. Қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларнинг ташкил этиш усуллар, элементлари ва томонлари йиғиндиси солиққа тортиш тизими деб аталади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ўз ичига олади. Солиққа тортиш тизими эса солиқ ундиришни ташкил этиш масалаларини ўз ичига олади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг социал-иқтисодий тузуми билан аниқланади. Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари уларни ташкил қилиш томонлари ва усулларини ўрганади. Солиқ элементларига солиқ бирлиги, солиқ оғирлиги, солиқ юки каби тушунчалар киради. Солиққа тортиш бирлиги – бу объектларнинг ўлчоб бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида фуқаролар учун от кучи ёки маторнинг қувватидир. Солиқ ставкаси – объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб берилган меъёридир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда суммаларда ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциясидан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка суммаларида ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирида келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Солиқ оғирлиги – тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ оғирлигини ифодалайди.

Солиқ ставкаларининг турлари. Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва нолли ставкаларига амал қилинмоқда шунингдек, регрессив ставка ҳам 1995 йилдан бошлаб қучга кирган.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги пропорциядаги солиқ тўланади. Масалан: Қўшимча қиймат солиғи бўйича асосий маҳсулотлар ишлар, хизматларга 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам 20 фоиз, 100 минг бўлса ҳам 20 фоиз, 1 млн. сўм бўлса ҳам 20 фоиз солиқ тўланади ёки моллик солиғида ҳуқуқий шахсларнинг асосий фондлари қийматидан йилига 4 фоиздан солиқ тўланади. Қиймат қандай бўлишидан қатъий назар, ягона ставкада солиқ олинади. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил бўлишини белгилайди.

Прогрессив – солиқ ставкасида даромад, объект кўпайиши билан боғлиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 3 баробарига тенг қисмига 15 фоиз, ундан ошганда Яна 2 қаррали қисмига 45 фоз солиқ тўланади. Бу ставка қўлланиши ходимларни ва ишчиларни кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқтирмайди. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, пулни мустаҳкамлашни, бюджетга кўп даромад туширишни кўзда тутати.

2000 йилдан бошлаб солиқларни ташкил қилиш амалиётини чет эллардан ўрганиб, қўшимча қиймат солиғи бўйича нолли ставка, яъни экспортга товарлар юборилганда қишлоқ хўжалиги учун ёқилғи мойлаш ва ўғитлар ортганда солиққа тортиш нолли ставкада белгилайди, бунда шу маҳсулотлар бўйича тамомила солиқ тўламаслик жорий этилди. Қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга Қўшимча қиймат солиғи солинмас эди. Бироқ шу маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун сарфланган хом-ашё, ёнилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказувчиларга қўшимча қиймат солиғи тўланар эди. Нолли ставкада уларга тўланган қўшимча қиймат солиғи

стакаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинадиган Қўшимча қиймат солиғи суммасидан ҳисоблаб камайтиради. Демак, бу ерда Қўшимча қиймат ҳам бартараф, нейтрал солиқ бўлиб хизмат қилади ва иқтисодиётда ижобий таъсир кўрсатади.

Регрессив солиқ ставкасида даромад ёки бошқа солиқ объекти ошиб бориши билан боғлиқ солиқ ставкаси камайиб бориб, даромад ёки маҳсулот кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилади. Четга экспорт товарлар ишлаб чиқариб, қатъий валюталарда тушумча эришганлар иқтисодий қизиқтиради, яъни жами ишлаб чиқарилган сотилган маҳсулотнинг 30 фоизидан кўпроғи сотилса, солиқ ставкаси 50 фоиз камайтиради.

Олдин корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирилгани учун 0,3 фоиздан солиқ олганлар. Ўша вақтда корхоналар 120 фоиз маҳсулот ишлаб чиқаришни қўшимча тарзда оширса, корхона умуман солиқдан озод бўлиши мумкин эди. Демак, регрессив ва ноли солиқ ставкалари иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчиларга солиқ ва йиғимларни тўлашдан қисман, вақтинчалик ва тўлиқ озод этиш тушунилади. Имтиёзлар тўғридан-тўғри тўланадиган солиқ суммасидан берилиши мумкин. Айтайлик, корхона болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, даромадга фойдага солиқдан 35 фоиз ўрнига атиги 10 фоиз солиқ тўлайди. Бу қисман озод қилишга ҳам киради. Имтиёзлар вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, деҳқон фермер хўжаликлари янги ташкил этилган даврдан бошлаб икки йилга даромад солиғи тўлашдан озод этилади. Бизнинг солиқ қонунчилигимизда солиқ тўлашдан тўла озод қилиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, Қўшимча қиймат солиғи, фойда даромадга солиқ ва бошқа солиқларда агар корхонадаги жами ишловчи ходимлар сонидан 50 фоиздан кўпроғини ногиронлар, меҳнат фахрийлари ташкил этса ёки 75 фоиздан кўпроғи ўрта мактаб ва махсус билим юрти талабаларидан иборат бўлса, тамомила солиқдан озод этилади.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналарда ва элчихоналарда ишловчи чет эл ходимлари, мутахассислари солиқдан мутлақозод этилади. Булардан ташқари, солиқ базасини камайтириш орқали бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қисқартириш ҳам имтиёзлар туркумига киради. Масалан, ҳуқуқий шахслар ўз даромадларидан инвестицияга сарфласа ёки унинг учун олган узоқ муддатли кредитларни қайтарилса, 50 фоиз солиққа тортиладиган базадан камайтирилади. Умуман олганда имтиёзлар туркумига солиққа тортилмайдиган даромад гуруҳлари ҳам киради. Масалан, фуқароларнинг даромад солиғи бир қатор солиққа тортилмайдиган даромадлар мавжуд. Буларга пенсия, нафақа, алимент ва омонатга топширилгандан олинган даромад. Имтиёзлар диаклектикасига биноан бюджетга солиқ тўлашдаги имтиёзлар меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига бюджетга тушадиган умумий даромадларни, айтилик қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиқлари орқали бўлса ҳам кўпайтириш лозим. Лекин бюджет харажат даромадидан ортиқ бўлиб турган даврда (дефицит) солиқлардан имтиёз бериш қандай амалга оширилади. Албатта, бир корхонага берилган имтиёз суммаси бошқа корхоналар суммасига юкланади. Демак бюджет дефицит даврида бериладган солиқ имтиёзларидан самара катта бўлмайди, чунки солиқ ёки бошқаларга тушиб, уларни ишлаб чиқариш натижаларидан кўрадиган манфаатдорлигини сусайтиради. Агар бюджет харажатларини камайтириш ҳисобига солиқлардан имтиёзлар беришдан, унда ҳақиқатан ҳам улар самара бериб, ишлаб чиқаришни ошириб, даромадлар олишни кўпайтириш ҳисобига берилган имтиёзлар.

II боб. Маҳаллий солиқ сиёсатини амалга ошириш кўрсаткичлари

таҳлили

2.1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ сиёсати натижалари

таҳлили

Сўнги йилларда сезиларли ижобий натижалар бера бошлаган макроиктисодий барқарорлик солиқ-бюджет сиёсатида бир катор тадбирларни амалга оширишга имкониятлар яратди. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни ислоҳ этиш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишда солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқишни янада жадаллаштиришга тurtки бўлди.

Республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати авваламбор солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада ошириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ҳисобига тадбиркорлик субъектларининг реал даромадларини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган.

Солиқ юкининг енгиллаштириш асосан хўжалик субъектлари даромадидан солиқ олишни камайтириш, солиқ солиш базаси бир хил бўлган солиқларни унификация қилиш орқали намоён бўлмоқда.

Ўтган 2013 йилда ҳам мамлакатизда солиқ сиёсатининг муҳим тактик йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги, миллий бойликни тежаш, миллий иқтисодиётнинг ҳолати даражаси, миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаш, иккиёққлама солиққа тортишнинг олдинини олишга қаратилган халқаро келишувлар, солиқ тўловчилар руҳияти, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни таъминлаш, миллий дастурларни амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда амалга

оширилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ қонунчилиги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортди, реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортёр корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилди, банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини оширилди, солиқ маъмурчилиги янада такомиллаштирилиб, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартирилиши, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини тақдим этиш таомиллари соддалаштирилди.

Ушбу жараёнларнинг умумий самараси сифатида самараси сифатида бир томондан солиқ юки даражаси ўтган йилга нисбатан камайишига эришилган бўлса, бошқа томондан давлат бюджетининг профицит билан бажарилишига эришилди.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган 2013 йилда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор Қонунлар, Президентимиз Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.


Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини

ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш солиқ юкини камайтириш мақсадида ўтган йиллар давомида дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ ставкаси, ягона ижтимоий тўлов, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ тўлови миқдори сезиларли даражада камайтирилди.

Энг асосийси, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва тўловга лаёқатини кучайтириш мақсадида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкалари йилдан йилга камайтириб келинмоқда ва биргина 2011 йилда унинг ўрта ставкаси 20 фоиздан 16 фоизга ва юқори ставкаси эса 21 фоизгача камайтирилди.

Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 21 фоизга камайтирилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат пенсия таъминотига қўшимча равишда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун билан 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий қилинди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

-чизма. Ўзбекистонда ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси.

Ўзбекистонда кейинги йилларда солиқ сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар қуйидагиларни шакллантирмоқда:


- Иқтисодиётдаги солиқ юки даражаси камайтирилди. Жумладан, солиқ юки даражаси 1995 йилда ЯИМга нисбатан 41,2%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 20,5%ни ташкил этмоқда;

- Солиқларнинг турлари ва ҳисоблаш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 1998 йилда солиқ турларининг сони 24 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб ушбу кўрсаткични 15 тагача мақбуллаштирилишга эришилди;

- Солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш мақсадида солиқларнинг рағбатлантирувчи роли кучайтирилмоқда;

- Билвосита солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 2006 йилдаги 10,1%дан 2011 йилда 11,6% га ўсди;

- Бевосита солиқларнинг давлат бюджетдаги улуши 2006 йилдаги 25,9% дан 2011 йилда 26,4% га ошди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

-чизма. 2005-2013 йилларда давлат бюджети тақчиллиги (профицит) (ЯИМга нисбатан, %да)

Давлат бюджети 2013 йилда ЯИМга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилиб, харажатлари таркибида ижтимоий сохага йўналтирилган харажатлар 59,3 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришни жадаллаштириш борасидаги ишлар асосан 2005 йилдаги Президентимизнинг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши билан бошланди.

Қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойлик ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этишга ўтказилди ва фаолият туридан келиб чиқиб ҳисоботлар сони ягона солиқ тўлови тўловчилар бўйича 10-15 тадан 4-7тагача, ягона ер солиғи тўловчилар бўйича – 10 тадан 4тагача қисқартирилди.

-жадвал

2000-2012 йилларда асосий солиқ ставкаларининг динамикаси.

	2002 йил	2012 йил	Фарқи (-; +)
Ягона ижтимоий тўлов	40	25	-15
Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи	24	9	-15
Ягона солиқ тўлови	10	6	-4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жадвал маълумотларига биноан деярли барча турдаги солиқ ставкалари камайиш динамикасини шакллантирмоқда. Яъни 2002 йилда юридик шахсларнинг даромад солиғи 24 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 9 фоизга тушган. Ягона солиқ тўлови эса, шу муддатда 10 фоиздан 6 фоизга тушурилган. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг даромад

солиғи ва ягона ижтимоий тўлов 2002 йилда 40 фоиз бўлиб, 2012 йилга келиб қарийб икки баробарга, яъни 22 ва 25 фоизгача пасайтирилган.

Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида давлатнинг аралашувини тобора чеклаб, ишлаб чиқарувчиларга имкон қадар эркинлик берилаётганлигидан далолат беради.

Президентимизнинг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармони билан микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бошқача айтганда, улар томонидан тўлаб келаётган 4 та солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнига 1 та ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Қуйидаги жадвалда 2000-2013 йилларда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи ва ставкаларининг ўзгариш динамикасини кўриб чиқамиз.

-жадвал

**2000-2013 йилларда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи
шкаласи ва ставкаларининг ўзгариши**

Жисмоний шахслар даромадининг энг кам иш ҳақи нисбатидаги шкаласи	Шкала бўйича ставка, %	Жисмоний шахслар даромадининг энг кам иш ҳақи нисбатидаги шкаласи	Шкала бўйича ставка, %
2002 йил		2013 йил	
4 гача	13	5 гача	8
4-8	23	5-10	16
8 дан юқори	33	10 дан юқори	22

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жадвал маълумотларига кўра, 2000-2013 йилларда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи ва ставкаларининг ўзгариши халқ манфаатларига ижобий таъсир этган. Унга биноан жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ ставкалари 2002 йилдан 2013 йилгача энг кам иш ҳақининг 4 баробаригача бўлган қисми учун солиқ 13 фоиздан 8 фоизгача ҳамда кейинги шкалалар бўйича 23 фоиздан 16 фоизгача ва 33 фоиздан 22 фоизгача туширилган.

Ягона солиқ тўлови тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилиниши каби имтиёзлар ҳам белгиланган.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган солиқ сиёсатини амалиётга жорий этишда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда солиқ хизмати органлари ходимларининг ишини автоматлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки солиқ тўловчиларнинг сони кўпайиб бориши билан бир қаторда солиққа оид маълумотларнинг ҳажми ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида солиқ хизмати органлари томонидан ушбу маълумотларнинг ҳисобини юритишда ва уларни таҳлил қилишда маълум қийнчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли солиқ хизмати органларини замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш ва солиққа оид маълумотларни қайта ишлашни тубдан ўзгартириш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг тегишли буйруғига асосан амалиётга бир нечта махсус ишлаб чиқилган дастурий маҳсуллар жорий қилинди.

Ушбу дастурий маҳсулларнинг жорий этилиши солиқ маълумотларига ишлов бериш жараёнини жадаллаштириш, солиқ инспекторлари ишининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ишидаги бир тусдаги ҳисоб-китоб ишларини енгиллаштиришга қаратилгандир. Ходимлар ишини автоматлаштиришда авваламбор солиқ инспекциялари фаолиятини

автоматлаштириш, бунда солиқ тўловчилар ва уларнинг солиқ мажбуриятлари бўйича маълумотларнинг ягона марказлаштирилган маълумотлар базасини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаklar) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- кўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;

- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айти пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.⁵

⁵ Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий

Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбир – солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир. Республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати авваламбор солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада ошириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга қаратилган.

Фикримизнинг тасдиғи учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 майдаги "Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 125-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда 2011-2012 йилларда давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унинг техник асоси сифатида Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази хизмат қилади. Марказни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-1455 сонли қарорида кўзда тутилган. Бундан ташқари, қарорга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини ташкил этиш ҳамда солиқ тўловчиларга ахборот хизматини кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш борасидаги долзарб тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари бўйича ҳам Республикамиздаги (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) солиқ ставкаси аксарият давлатлари ўрнатилган солиқ ставкасига нисбатан анча паст. Дунёнинг ривожланган давлатидан

АҚШ, Франция, Греция, Италия каби давлатлар 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси анча оширилган бир шароитда Республикамизда ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг энг қуйи босқичи 1 фоизга камайтирилди.

2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигачафойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди.

2.2. Тошкент вилояти Бўка туманида солиқ сиёсатини юритиш ҳолати таҳлили

Солиқ тизими ва солиққа тортиш тизимининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур. Солиқ тизими моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир. Қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларнинг ташкил этиш усуллар, элементлари ва томонлари йиғиндиси солиққа тортиш тизими деб аталади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ўз ичига олади. Солиққа тортиш тизими эса солиқ ундиришни ташкил этиш масалаларини ўз ичига олади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг социал-иқтисодий тузуми билан аниқланади. Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари уларни ташкил қилиш томонлари ва усулларини ўрганади. Солиқ элементларига солиқ бирлиги, солиқ оғирлиги, солиқ юки каби тушунчалар киради. Солиққа тортиш бирлиги – бу объектларнинг ўлчоб бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида фуқаролар учун от кучи ёки маторнинг қувватидир. Солиқ ставкаси – объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб берилган меъёридир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда суммаларда ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциясидан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка суммаларида ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирида келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Қуйидаги жадваллар маълумотлари асосида Тошкент вилояти Бўка туманида маҳаллий солиқ сиёсатини амалга ошириб келиниши ҳолати ва кўрсаткичлари билан танишиб чиқамиз. Бўка туманида давлат бюджетининг даромадлар қисмини бажарилиши бўйича қуйидаги жадвал маълумотларини кўраамиз.

Жадвалга биноан Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекциясида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарламалар бўйича тушумлар 2014 йил 1 чорақда жами 5146226 минг сўмлик тушум режалаштирилган бўлиб, шундан 2014 йил 11 март ҳолатига 2933266,9 минг сўмлик тушум тушган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг март ҳолатига кўра 409 775,0 минг сўмлик тушумни шакллантириб, 2014 йилнинг март ойида ўтган йилга нисбатан қарийб 7,5 баробар кўпроқ тушумни кўрсатмоқда.

-жадвал

Тошкент вилояти Бўка тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлари

минг сўм.

Манба номи	2014 йил 1 чорақ режаси	2014 йил 11 март ҳолатида	2013 йил март ҳолатида
Бюджет бўйича жами	5 146 226,0	2 933 266,9	409 775,0
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	1 272 723,0	893 108,1	265 410,7
Тадбиркорлар даромад солиғи	359 861,0	244 699,0	5 559,7
Кушилган киймат солиғи	1 087 422,0	304 426,1	2 125,7
Фойда солиғи	38 926,0	59 710,8	189,2

Манба: Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 2014 йил 1 чорақ бўйича режа 1 272 723,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шу йилнинг 11 март ҳолатига кўра

893 108,1 минг сўмлик тушумлар кўрилмоқда. Бу кўрсаткич жадвал маълумотларига кўра 2013 йил март ойида 265 410,7 минг сўм бўлиб, 2014 йилга нисбатан деярли 4 баробарга камроқ бўлган. Бу кўрсаткичлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент вилояти Бўка туманида янги иш ўринлар яратиш масаласи ижобий ҳал этиш орқали бюджет тушумларини кўпайтиришга эришилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи 2014 йил 1 чораги бўйича 1 087 422,0 минг сўм режа қилиб олинган бўлиб, мазкур йилнинг 11 март ҳолатига кўра 304 426,1 минг сўмлик тушум кўрилган. Бу эса ўтган йилнинг март ойига нисбатан қарийб 300000 минг сўмга кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда.

Туманда юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича тушумларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йил 1 чоракда 38 926,0 минг сўм режа қилинган бўлиб, шу йилнинг 11 март ҳолатига кўра жами 59 710,8 минг сўм тушум кўрилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 189,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 март ойига нисбатан қарийб 60 млн сўмга кўпайган.

Юқорида қилинган жадвал маълумотлари таҳлиliga асосан Тошкент вилояти Бўка туманида ишлаб чиқариш суръатлари, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳолати 2014 йил ўтган йилга нисбатан ижобий томонга ўзгарганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра Тошкент вилояти БУКА тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларининг бошқа йўналишларини кўриб чиқамиз.

Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджетга туширилган солиқларга кўра 2014 йил инфраструктура солиғи бўйича 9 875,0 минг сўм режалаштирилган бўлиб, шу йилнинг 11 март ойида 17 562,9 минг сўмлик тушум кузатилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг март ойига нисбатан 17535,5 минг сўмга кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

**Тошкент вилояти Бўка тумани буйича бюджет ва бюджетдан
ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлари**

(минг сўмда)

Манба номи	2014 йил 1 чорак режаси	2014 йил 11 март ҳолатида	2013 йил март ҳолатида
Бюджет бўйича жами	5 146 226,0	2 933 266,9	409 775,0
Инфраструктура солиги	9 875,0	17 562,9	27,4
Ягона солиқ тўлови жами	-	276 673,3	30 501,0
Жисмоний мол мулк солиги	134 842,0	72 029,5	1 376,0
Иш/ чиқариш ва бошқалар ягона солиқ тўлови	174 706,0	196 463,9	11 870,4

*Манба: Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси
маълумотлари*

Шунингдек, Бўка туманида 2014 йилга ягона солиқ тўлови режалаштирилмаганлигига қарамасдан, 2014 йил 11 март ойига 276 673,3 минг сўмлик тушумга эга бўлинган. Бу кўрсаткич туманда ишлаб чиқариш суръатлари ҳам ўз-ўзидан ўсиб бораётганидан далолат бериб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожланаётганлигини кўрсатади.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи режага асосан 1 чоракда 134 842,0 минг сўмлик тушум шакллантирилган бўлиб, 2014 йил 11 мартда давлат ғазнасига 72 029,5 минг сўмлик тушум тушган. Бу ҳол ўтган йилга нисбатан қарийб 70 млн сўмга кўпроқ бўлсада, режалаштирилган тушумларни 1 чоракка нисбатан шакллантира олмаслигини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқариш соҳасида давлат бюджетига тўланадиган солиқларга кўра режада 1 чоракда қарийб 175 млн сўм бўлган бўлсада, аслида бу режа мазкур йилнинг 11 мартага қадар ортиғи билан бажарилганилигини кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва либераллаштириш ишлари қизғин даражада олиб борилаётганидан гувоҳ беради.

Қуйидаги жадвалдаги маълумотлар орқали Тошкент вилояти Бўка туманида пенсия жамғармалари бўйича олиб борилаётган ишлар натижасини кўришимиз ҳамда кўрсаткичларни таҳлил этишимиз мумкин.

-жадвал

Тошкент вилояти Бўка тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлари

минг сўм.

	Манба номи	2014 йил 1 чорак режаси	2014 йил 11 март ҳолатида	2013 йил март ҳолатида
1	Пенсия жамғармаси бўйича жами	4 983 195,5	3 269 944,0	934 969,2
2	Жисмоний пенсия	-	81 434,6	5 342,9

Манба: Тошкент вилояти Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари

Тошкент вилояти Бўка тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларини кўрсатувчи юқоридаги жадвалга

биноан туманда Пенсия жамғармаси бўйича жами бюджетга 4 983 195,5 минг сўнглик пул маблағлари шакллантирилиши режалаштирилган бўлиб, 2014 йилнинг 11 мартига кўра аслида 3 269 944,0 минг сўмлик пул маблағлари тушган, бу кўрсаткич ўтган йилнинг март ойида 934 969,2 минг сўм бўлган.

Жисмоний шахсларнинг пенсия жамғармалари эса 2014 йилнинг 11 мартига биноан 81 434,6 минг сўмлик маблағлар шакллантирилган бўлса, ўтган йилнинг март ойига бу кўрсаткич 5 342,9 минг сўмни ташкил этган.

Ушбу таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетига тушаётган тушумларнинг йилдан-йилги ошиб бориши туманда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш даражаси ўсиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, туманда давлат бюджети тушумларининг кўпайиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларга қилинаётган харажатларни ҳам ижобий томонга силжитиши аниқ.

III боб. Маҳаллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

3.1. Солиқ сиёсатини юретишнинг жаҳон тажрибаси

Ривожланган давлатлар амалиётида солиқ сиёсати орқали миллий иқтисодий тартибга солиш, макроиқтисодий ўсишни таъминлаш, баҳолар барқарорлигига эришиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлайди.

Замонавий давлатлар учун иқтисодийнинг турли соҳаларига давлатнинг аралашуви кенгайиши ва кучайиши хосдир. Тарофут фақат бу аралашув даражасидан иборат. АҚШда у камроқ, Швецияда кўпроқ, Германия ва Япония бу жиҳатдан ўртача даражада. АҚШда «давлат томонидан тартибга солиш алақачонлар Америка хўжалик механизмининг таркибий қисмига айланган».

АҚШда «монополия» тушунчаси рақобатни бостириш, маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва шартларини тартибга солиш ҳамда истеъмолчига зарар етказган ҳолда нархларни белгилаш имконини берувчи аниқ бир бозорда бундай таъсирга эга бўлган фирмага ёки фирмалар гуруҳига нисбатан қўлланилади. Бунда хўжалик бирлигини мутлоқ миқдори тармоқда ёки бозорда унинг монополия мавқеини белгиламайди. Фирма, агар бозорда ёки географик бозорда сотувларнинг аксарият қисми тегишли бўлса, унинг миқдоридан қатъий назар монополия ҳисобланади.

Монополиялар фаолияти салбий чеклаш бир қанча йўналишларда олиб борилади: фирмалар даромадига, ўсиб борувчи солиқ солиш, ортига фойдага солиқ солиш. Амалда барча мамлакатларда аксил – трест қонунлар амал қилади. Масалан, Германия қонунлари рақобат қоидаларини белгилайди ва эркин рақобат ривожланиши учун қулай шароитлар яратади. Жумладан, тадбиркорлар ўртасида нархлар тўғрисида шартнома тузиш қонун билан тақиқланган. Турли корхоналарнинг қўшилиши қонунийлиги федерал идора томонидан олимлар ва иқтисодчилардан иборат мустақил комиссиянинг ҳулосаси асосида Аниқланади, чунки бозор муносабатлари асосида эркин

рақобат ётиши керак.

АҚШда ҳам қаттиқ аксилмонополия қонунчилиги амал қилади. Бирок рақобат тўғрисидаги қонунлар, одатда, инфратузлма тармоқларига: транспорт, комунал хизматлар (сув ва энергия билан таъминлаш)га жорий этилмайди. Кўпинча улар қазиб олувчи санотга ҳам даҳл қилмайди. Булар кўмир қазиб олиш, кўплаб ишлаб чиқаришлар, муайян даржада кишлок хўжалигига таълуқлидир (Германия). Ушбу тармоқларда давлат хажмларни, нархларни, бозорга киришни тартибга солади, Ушбу ўринда рақобат мазкур тармоқларга юкланган функциялар муваффақиятли бажарилишини таъминлаши мумкин эмас деб ҳисобланади. Ушбу тармоқларда давлат корхоналари салмоғи катта, чунки улар учун асосийси фойда олиш эмас, балки жамият эҳтиёжларини қондиришдир.

Японияда солиқ тизими XIX асрдаёқ шакллнган. Ҳозирги кўринишида у солиқ ислоҳоти ўтказилган урушдан кейинги даврдан бошлаб мавжуддир.

Японияда давлат ва маҳаллий солиқлар мавжуд. Бирок солиқ маблағларининг катта қисми давлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажрамалар йўли билан Япония давлат бюджети орқал қайта тақсимланади. Бошқа мамлакатларга таққослаганда Японияда солиқ бўлмаган тушумлар улуши анча юқори, Масалан, давлат бюджетида солиқлар 83,8 фоизни ва солиқ бўлмаган маблағни – 16,2 фоизни ташкил этади.⁶ Бунга ижара тўлови, ер участкаларини сотиш, пеня, жарималар, облигацияларни сотиш, лотереялардан олинган даромадлар, қарзлар ва бошқалар киради.

Олдинги йил қолдиғи даромаднинг ушбу моддасига киритилади. Ривожланган давлатлардаги солиқ ставкалари жадвалда келтирилган.

Япониянинг солиқ тизими АҚШ ва Европада бўлганидек солиқлар кўплиги билан тавсифланади. Уларни худудий бошқарувнинг ҳар бир органи ундириш ҳуқуқига эгадир. Бирок мамлакатнинг барча солиқлари қонун ҳужжатларда қайд қилинган.

⁶ «OECD Economic Outlook» № 69, июнь 2012йг.32.

Ривожланган давлатларда солиқнинг кўрсаткичлари, фоизда

№	Солиқ турлари	АҚШ	Германия	Япония
1	Даромад солиғи	41	24	19
2	Корпоратив солиқ	9	6	13
3	Мулк ва бошқа бевосита солиқлар	11	8	11
4.	Суғурта фонди	23	32	38
5.	Истеъмол солиғи	16	30	19
	Итого	100	100	100

Манба: «OECD Economic Outlook» № 69, июнь 2012 й.

Давлат солиғининг ҳар бир тури қонун билан бошқарилади. Маҳаллий солиқлар тўғрисидаги қонун уларнинг турлари ва чекланган ставкаларини белгилайди. Мамлакатда ҳаммаси бўлиб 2 та давлат солиғи ва 30 та маҳаллий солиқ бор. Уларни уч асосий гуруҳ бўйича таснифлаш мумкин:

- ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслардан олиндиған турли даромад солиғи;
- тўғри мулк солиғи;
- тўғри ва эгри истеъмол солиқлари. Аён равишда устунлдик бериладиган тўғри солиқлар бюджетнинг асосини ташкил этди. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори даромад келтиради. У барча солқларнинг 56,4 фоизига тенгдир.

Корхоналар ва ташкилотлар фойдадан: 33,48 фоизи миқдорида давлат даромад солиғи; давлат солиғининг 5 фоизи миқдорида префектура даромад солиғи тўлайди, бу фойдадан 1,67 фоизи ставка бўлади ва давлат солиғининг 12,3 фоизи ёки фойданинг 4,12 фоизи миқдорида шаҳар даромад солиғи тўлашади. Натижада юридик шахс фойдасининг деярли ярми бюджет даромадига солиғини ўсиб боровчи шкалада тўлашади. У беш ставкага эга: 10, 20, 30, 40, ва 50 фоиз.

Хитойдан солиқ ислоҳоти тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу ерда 1987

йилдан бошлаб солиқларнинг 29 тагача тури жорий этилган. Улар яъни миллий маҳсулотнинг 19,5 фоизи ёки ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 23,3 фоизи давлат тасарруфига ўтишини таъминлайди. Давлат ҳозирги вақтда ўз барча молиявий даромадларининг 90 фоизидан ортиғини солиқ тушумлари сифатида олмақда, солиқ тизими эса мамлакат хўжалик турмушини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий воситаларидан бирига айланмоқда ва ҳоказо.

Франция жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади. Францияда иқтисодий даражада давлат томонидан бошқариш Европада энг юқори даражада ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар орасида ялпи ички маҳсулотда мажбурий тўловларни (солиқ тўловлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар) салмоғи энг юқорилиги билан Франция фарқ қилади. XX асрнинг 80-йилларининг биринчи ярмида салмоқ ортиб борган ва 1985 йили 45,6% ни ташкил қилган (1976 йили 39,4% буган). Бу кўрсаткич бўйича Европа иқтисодий ҳамкорлик (ЭЭС) мамлакатларининг ўртача кўрсаткичидан анча юқори ҳисобланади.

Франциядаги мажбурий ажратмалар тизимини яна бир хусусияти, уларнинг таркибида ижтимоий суғурта фоизига ажратма салмоғи анча юқори. Мажбурий ажратмалар таркибида ижтимоий суғурта фоизига ажратма Францияда 43,3% ташкил қилади. Унинг даражаси йирик ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Европа иқтисодий ҳамкорлик мамлакатлари ичида энг юқори ҳисобланади. Франция паст тўғри солиқ ва юқори эгри солиқ салмоқлари даражаси билан ҳам фарқ қилади.

Шу билан бир қаторда Францияда ички ялпи маҳсулотда товарлар ва хизматлардан тушадиган солиқ салмоғи ҳам юқори.

Қуйида келтириб ўтиладиган жадвалда биз ривожланган мамлакатларда мажбурий ажратмалар (тўловлар) таркибини фоиз ҳисобига кўра ўрганиб, таҳлил қилиб ўтамиз.

Ривожланган мамлакатларда мажбурий ажратмалар (тўловлар) таркиби, %

Тр	Мамлакатлар	Даромад солиғу	Акционер компания-ларни фойдасига солинадиган солиқ	Ижтимоий йуалиш фондларига ажратмалар	Иш бервчидан олинадиган иш хакига солинадиган солид	Мол-млкга солинадиган солиқ	Товарлар ва хизматларга солинадиган солиқ	Бошка солиқлар
1	Белгия	32,0	6,9	33,8	-	2,4	24,9,	-
2	Бюк Британия	26,7	10,8	18,5	-	12,7	31,2	0,1
3	Германия	28,9	5,3	37,4	-	3,1	25,2	0,1
4	Италия	35,7	-	33,3	0,5	2,5	28,0	-
5	Нидерландия	20,5	7,3	42,5	-	3,5	25,9	0,3
6	АШ	34,7	8,4	29,7	-	10,3	16,9	-
7	Франция	12,2	5,2	43,3	1,8	4,8	29,4	3,3
8	Европа иқтисодий ҳамкорлик мамлакатлари бўйича ўртача	33,4	-	28,8	0,4	4,5	32,5	0,4
9	ўртача (ОЭСР) мамлакатлари бўйича	38,3	-	24,2	1,0	5,4	30,1	1,0

Манба: Ф.Ш.Шамсутдинов, Ш.Ф.Шамсутдинова, «Чет мамлакатлар солиқ тизими» Тошкент-2011, 29-бет

Жадвалдан шуни таъкидлаш мумкинки, Францияда ЭИ мамлакатларига нисбатан (утача - 33,4%) даромад солигунинг ставкаси 12,2% ни ташкил этади. Акционер компанияларни фойдасига солинадиган солиқ, мол-мулкка солинадиган солиқларнинг ставкалар даражаси ҳам паст даромадни шаклланишига таъсир кўсатади. Бундай энгилликлар даромад оладиганларга жуда катта қулайликлар яратади.

Бунга турмушдан марказдан узок масофада ушлаш сиёсатини амалга ошириш, маҳаллий органларни даромад базасини кучайтириш, уларни марказий ҳукматга қарамлигини камайитириш сабаб бўлди. Таъкидлаш зарурки, Европа ҳамжамияти бюджетларини умумий ҳажмида солиқ характериға эға буган тўловларни усиши меҳнатни аҳамиятини ошиши ва интеграцион жараёни кчайиши билан боғуик.

-жадвал

Франция давлат бюджетини таркиби

Солиқ трлари	Суммаси, млн. франк	Салмоғи%
1.Қўшилган қиймат солиғи	669962	41,9
2. Жисмоний шахсларға солинадиган даромад солиғи	293110	18,1
3.Корхоналарға солинадиган солиқ	170140	10,6
4.Нефт маҳслотларига солинадиган бож тўлови	118618	7,3
5.Бошқа солиқлар	245120	15,2
6.Солиқсиз тушумлар	120267	7,4
Жами	1617217	100,0

Манба: Ф.Ш.Шамсутдинов, Ш.Ф.Шамсутдинова, «Чет мамлакатлар солиқ тизими» Тошкент-2011, 30-бет

Франция давлат бюджетини даромадида солиқлар (ажратмалар билан биргаликда) тушуми 93%ға яқин ўринни эгаллайди. Қолгани солиқсиз даромадларға тўғри келади.

Эгри солиқлар бюджетни умумий даромадини 60%га яқинини беради. Асосий эгри солиқ Францияда кушилган киймат солиғу ҳисобланади

Солиқ кредити 1982 йили киритилган ва 1983 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади. Илмий текшириш ишларига қилинадиган харажат кредит олиш ҳуқуқини беради. Илмий текшириш ишларини харажати ўтган йилгидан ошиб кетса ва 5 млн. француз франкидан юқори бўлмаса, унга 50% ҳажмда кредит бериледи.

Кредит суммаси олиннадиган корпорацион солиқдан чиқариб ташланади. Илмий текшириш харажатларига иморат ва усқналарни амортизацияси, ходимларга бериладиган иш хақи ва операцион харажатлар қиради (ходимларга иш хақи сифатида 55% харажат бериледи).

Шундай қилиб ижтимоий гуруҳлар бўйича солиқлар умумий даромадларидан энг камида 22,8% ва кун билан 49,2% тўланади. Олий (мансабдорлар) кадрлар ва эркин касб эгалари, жадвалга кўра, турли солиқларни, яъни даромад, мол-мулк солиқларини асосий тўловчиси ҳисобланади. (11,7 ва 12,6%). Эгри солиқни асосий тўловчилари бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги ёлланма ишчилар, ишчи ва хизматчилар тўлайди. Ижтимоий ажратмаларнинг катта қисмини ҳам айнан шу тўловчилар гуруҳи таъминлаб беради.

Шундай қилиб, Францияни солиқ назорати тизими ўзига хос хусусиятларига эга. Масалан, бизда учрамайдиган алоҳида ахборот йиғиш марказлари, махсус бригадалар ва ҳ.к. Юқоридагиларни ҳисобга олиб уларнинг айрим услубларини бизда қўллаш фойдадан холис эмас деб ҳисоблаймиз.

3.2. Маҳаллий солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиришга доир изчил сиёсат олиб борилаётгани туфайли ҳар йили солиқ юкини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Улар аввало ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишга қаратилмоқда. Шу билан бирга, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса, солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигига, корхоналарнинг солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Бу ҳам республикада қўлланилаётган солиқ тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

Агар дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларини баҳоловчи статистика маълумотларига мурожаат қилсак, шунини кўриш мумкинки, ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси турли давлатларда турлича. Бу эса, иқтисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, юритиладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналиши, муайян мамлакатларнинг геополитик жойлашуви ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Умуман, солиқ юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- солиққа тортишнинг юқори даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40%идан ортиқ (Люксембург, Франция);
- солиқга тортишнинг ўртача даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30%идан 40%игача (Дания, Австрия, Германия, Буюк Британия, Швеция);
- солиққа тортишнинг ўртачадан пастроқ даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30%игача (Хитой, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея).

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, жумладан Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси билан қўшма корхоналар учун устав фоиздаги хорижий сармоя улушига боғлиқ равишда солиқ солишнинг имтиёзли

режими назарда тутилган.

Худди мана шу йили фойдадан олинадиган солиқ ўрнига даромаддан олинадиган солиқ ҳамда устав фоиздаги сармоя улуши нисбатига боғлиқ равишда қўшма корхоналар учун тегишлича солиқ ставкалари жорий қилинди.

Бундан ташқари, қонунчилик томонидан қўшма корхоналар учун бир қанча янги имтиёзлар жорий қилинди:

-агар корхона устав фондидаги хорижий сармоя улуши эллик фоиз ва ундан ортиқни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган даврдан бошлаб икки йил муддатга;

-устав фондида хорижий сармоя улуши эллик фоиз ва ундан кўпни ташкил этган хорижий хориж инвестициялар иштирокидаги корхоналарини ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган даромад (фойда) бўйича;

-хорижий инвестиция иштирокидаги, устав фондида хорижий сармоя улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (узум ва мева–резевор, пиво винолари, ўткир ичимликлардан ташқари) етиштирувчи ва қайта ишловчи ҳалқ истеъмол товарлари ва бинокорлик мевалари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун маиший ва асбоб – ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил давомида имтиёзларга эга бўладилар.

Барча даражадаги, бўғинлардаги бюджетларни тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ҳамда уларни ижро этиш тартиб - қоидалари бюджет жараёни деб аталади. Бюджет жараёни доимий равишда такрорланадиган, янгиланиб турадиган босқичлар йиғиндисини ўз ичига олади. У ёки бу бўғинда оид бўлган, бюджет билан боғлиқ ҳолда чиқарилган ҳуқуқий ҳужжат бюджет ҳақидаги қонун, қарор муайян давр давомида бюджет йили амал қилади ва ушбу давр яқинлашгач, у янгидан ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши лозим бўлади.

Солиқ сиёсатини барқарорлаштиришда давлатнинг роли қўйидаги устувор йўналишларида намоён бўлиши керак:

1. Ҳуқуқий шахсларга нисбатан енгил солиқ муносабатларини юргизиш сиёсати. Бунда давлатни эркин ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий шахсларга бериладиган эркинлик-ларни эътиборга олган ҳолда солиқ тўлов турини мустақил танлаш, ижтимоий хусусиятга моиллик маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳуқуқий шахсларга рақобатга бардош бера оладиган солиқ муносабатларини қўллаш, аҳолини кам тауминланган қатламини иш фаолиятидан қаутий назар солиқ енгилликларини ҳар тамонлама тауминлашда.

2. Давлат солиқ сиёсатини доимий равишда халқ манфаатларига нисбатан мувофиқлигини тауминлашга асосий эътиборни қаратилиши

3. Давлат аҳолини ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватланишини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида солиқ сиёсатини солиқ ставкаларини пасайтириш, ёки дефференциялаштирилган солиқ ставкаларини аҳоли даромад чегараларидан келиб чиққан ҳолда қўллашдан ташқари солиқ муносабатларини аҳолининг кенг қатламига тушунарли даражада ёритиб борилишини, амал қилаётган солиқ муносабатидан чўчимаган ҳолда самарали фаолият юргизишни қизиқтирилишига ҳам қаратмоғи зарур.

4. Солиқ сиёсатини барқарорлаш мақсадида давлат ўз молиявий органлари фаолиятига таянилган ҳолда қўйидаги муаммоларни ечилишига имкониятларини яратиб бериши ҳам муҳимдир, яуни:

- ҳуқуқий шахсларни фаолиятидан олинган фойдани ошиб бориши билан солиқ ставкаларини пасайтириш қайта маълум бир чегараланган миқдордан юқори даромад (фойдани) олинганлиги таъминланганда шу ортиқча миқдордан солиқ ундирилишини тўхтатиш;

- мамлакат ичкарасида исутемолдан ортиқ миқёсда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатдан четга сотилиши солиқ имтиёзлари орқали қизиқтириш, яъни озод этиш;-спиртли ичимликларни, сигарет ва шуларга

ўхшаш товарларни тадбиркорлар томонида четга чиқариб сотишдан олинган даромад (фойда)ларига нисбатан "0" ставкали солиқ тўловини қўллаш;

- мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган, аммо тадбиркорлар (яъни аҳоли) томонидан четдан олиб келинишини ва аҳолига арзон баҳоларда сотилишини таъминлаш мақсадида улар даромади (фойдаси)дан солиқ ундирилишини четлаш ва шу кабиларни.

5. Давлат солиқ сиёсати орқали айрим имитиёзли ставкаларни қўллашни кучайтириш масалан, “ноллик” ставкани аҳоли истъёмол этадиган маҳсулотларга қўллашни кўпайтириш, аксинча, айрим самарасиз солиқ имитиёзларини кескин қисқартириш мақсадга мувофиқдир, бунда солиқ тўловчиларга берилган ҳам бир солиқ имитиёзларининг самарадорлигини ҳар бир имитиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи даражасида таҳлил қилиш чиқиш керак, ана шундан сўнг бу борадада аниқ ёндошув қилиниши керак.

Ўзбекистонда маҳаллий солиқ сиёсати янада такомиллаштириш бўйича кўйидаги тавсияларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- Кичик бизнес ва микрофирмаларни янада қўллаб-қувватлаш ва уларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкасини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар учун 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди;

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг биринчи шкаласи бўйича солиқ ставкасини 10 фоиздан 9 фоизгача туширилди;

- Хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган солиқ ставкаларини ўртача 2 баробарга пасайтирилди;

- Акциз солиғи ставкаларини вино бўйича 5 фоизга, спирт ва алкоголь маҳсулотлари бўйича 15 фоизга, пиво ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари бўйича 20 фоизга, импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари бўйича эса 30 фоизга индексация қилинди;

- Ер ва сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 1,2 баробарга индексация қилинди;

- Пенсия жамғармаси даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкасини 4,5 фоиздан 5,5 фоизгача оширилди;

- Жисмоний шахслар томонидан харид қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун олинадиган солиқ ставкасини бир литр ёқилғига 25 сўмга ошириш кўзда тутилмоқда;

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 1,2 бараварга (0,75 фоиздан 0,9 фоизгача) индексация қилиш кўзда тутилмоқда;

- барча хўжалик субъектлари учун Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма ставкасини 1,4 фоиз миқдорида унификация қилиш назарда тутилмоқда.

3.3. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш йўллари

Худудий ривожлантириш заруратига асосан мамлакат минтақаларининг сезиларли даражада табақалашганлиги, юқори даражада ривожланган минтақалар билан бир қаторда кам ривожланган, ишсизлар салмоғи юқори бўлган минтақалар мавжудлиги сабаб минтақавий дастурлар олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишда бу мамлакатлар давлатлари солиқлар орқали бошқаришдан кенг фойдаланмоқда.

Энг зарур халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортименти кўпайтириш кўп жихатдан солиқ ставкаларини тўғри белгилаш билан боғлиқ. Солиққа тортиш тизимининг роли ва структураси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан аниқланади.

Миллий иқтисодиёт ривожланишида республика солиқ-бюджет сиёсати ўзига хос аҳамиятга эга. Унинг кўп кўламли вазифаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитлар учун доимий бўлган асосий вазифаларни; иккинчи гуруҳ ижтимоий-иқтисодий шароитларга қараб ўзгариб борадиган қўшимча вазифаларни ўз ичига олади. Бундай вазифалар, ўз навбатида солиқ функцияларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Ҳарқандай тарихий босқичда тамойиллар жамият тараққиётининг оптимал мувазанатини таъминлашга хизмат қилган. Шунга асосланган ҳолда солиқлар моҳиятини чуқур ҳис этиш, улар шу моҳият доирасида амал қилувчи функциялар билан боғлиқ бўлса, унда солиқ солиш тамойиллари иқтисодий воқелик функцияларининг барқарорлигини ифодаловчи вазифалар маълум бир тартибда намоён бўлишини таъминлайди. Солиқлар моҳиятини чуқур асослашда солиқ солиш тамойилларини ўрганмай, иқтисодий воқеликнинг ҳаракат доирасини четлаб ўтиш ёки иқтисодий ислохотлар моҳиятини англамасдан хаётга татбиқ этишга уриниш самарасиз бўлиши мумкин.

Иқтисодий тараққиётнинг асосий кўрсаткичларидан бири бюджет камомadiniнг ялпи миллий маҳсулотга нисбатидир, бошқача қилиб айтганда, давлат қарзи ялпи миллий маҳсулотга нисбатан кўпайишига йўл кўймасликдир. Ўзбекистонда бюджет камомadini фақат солиқларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки давлат харажатларини камайтириш орқали қисқартириш лозим. Давлат бюджети дефицитининг оқибатларидан бири солиқ ставкаларининг ошишида кузатилади. Чунки, давлат уз бюджет дефицитини молиялаштириш маулум бир микдорда маблағга эгалик қилиш мақсадида хусусий сектор билан рақобат қилишга мажбур булади. Бундай рақобат аввало солиқ ставкаларининг ошишида кузатилади. Уз навбатида солиқ ставкаларнинг узиши икки бошқа бир оқибатни юзага қилишида омил бўлиб хизмат қилади, яуни:

- ички инвестиция капиталлар ҳажмини пасайишига;
- чет эл маблағини жалб қилиш мақсадида юқори фоизли қимматли қоғозларни муомалага чиқарилишига.

Чет эл маблағлар оқими ички хусусий капитал микдорини ошишига ва бюджет дефицити массасини молиялаштирилишига хизмат этиши мумкин. Аммо муаммони вужудга келтириши, яъни давлатнинг ташки қарзининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки давлат қарзлари учун бериладиган фоишларнинг белгиланган муддатларда қайтарилиши мамлакат ички молиявий маблағларини келгусида миллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилишига йўналтирилишини қисқартирилишига олиб келади. Бундан ташқари давлатнинг фоизли қимматли қоғозларига эга бўлиш учун чет эллик харидор шахслар (сотиб олувчилар) ушбу давлатнинг миллий валютасига эга бўлиши лозим. аммо эгалик муносабатининг юзага қилиши бевосита мамлакат валюта курсининг ўзгаришига олиб келади. Натижада импортнинг узиши ва экспортнинг пасайиши кузатилади. Бундай ҳолатнинг кузатилиши мамлакат доирасида соф экспортнинг камайишига олиб келади.

Соф экспортнинг камайиши – иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади ва ишсизликнинг ошиб боришига ва ижтимоий соҳалар учун ажратиладиган

бюджет маблағларининг нисбатан пасайишига сабаб бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, давлат ссуда сармоялар бозорига қарз олувчи сифатида кадам қўйганида, бевосита моддий ва молиявий ресурсларининг талаб ва таклифи нисбатига даражада салбий таъсир кўрсатади. Бундай шароитда фоииз ставкаларининг ошиши кузатилади, бунинг натижасида капитал қўйилмаларини молиялаштиришининг умумий шарт-шароити емонлашади ва инвесторлар бундай капитал қўйилмаларининг бир қисмини пул бозоридаги ўзига хос усуллар орқали сиқиб чиқарилишига замин яратадилар. Бунинг таъсирида кредит ҳисобига молиялаштириладиган истъемол харажатларининг қисқариши юз беради. Шунинг учун ҳам давлат қарзларининг бундай оқибатлари сиқиб чиқариш эффеқтини кучайтиради. Охир-оқибат мамлакат доирасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ички молиявий ресурсларга таяниш орқали молиялаштириш секинлашади, мамлакатнинг ташқи манбаларга бўлган талаби эса ошиб боради.

Солиқ сиёсатини барқарорлаштиришда давлатнинг роли қўйидаги устувор йўналишларида намоён бўлиши керак:

1. Ҳуқуқий шахсларга нисбатан енгил солиқ муносабатларини юргизиш сиёсати. Бунда давлатни эркин ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий шахсларга бериладиган эркинлик-ларни эътиборга олган ҳолда солиқ тўлов турини мустақил танлаш, ижтимоий хусусиятга моиллик маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳуқуқий шахсларга рақобатга бардош бера оладиган солиқ муносабатларини қўллаш, аҳолини кам тауминланган қатламини иш фаолиятидан қаутий назар солиқ енгилликларини ҳар тамонлама тауминлашда.

2. Давлат солиқ сиёсатини доимий равишда халқ манфаатларига нисбатан мувофиқлигини тауминлашга асосий эътиборни қаратилиши

3. Давлат аҳолини ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватланишини ҳар тамонлама кучайтириш мақсадида солиқ сиёсатини солиқ ставкаларини пасайтириш, ёки дефференциялаштирилган солиқ ставкаларини аҳоли даромад чегараларидан келиб чиққан ҳолда қўллашдан ташқари солиқ

муносабатларини аҳолининг кенг қатламига тушунарли даражада ёритиб борилишини, амал қилаётган солиқ муно-сабатидан чўчимаган ҳолда самарали фаолият юргизишни қизиқтирилишига ҳам қаратмоғи зарур.

4.Солиқ сиёсатини барқарорлаш мақсадида давлат ўз молиявий органлари фаолиятига таянилган ҳолда қуйидаги муаммоларни ечилишига имкониятларини яратиб бериши ҳам муҳимдир, яуни: ҳуқуқий шахсларни фаолиятидан олинган фойдани ошиб бориши билан солиқ ставкаларини пасайтириш қайта маълум бир чегараланган миқдордан юқори даромад (фойдани) олинганлиги таъминланганда шу ортиқча миқдордан солиқ ундирилишини тўхтатиш;

- мамлакат ичкарасида исутемолдан ортиқ миқёсда ишлаб чиқарил-ган товарларни мамлакатдан четга сотилиши солиқ имтиёзлари орқали қизиқтириш, яъни озод этиш;-спиртли ичимликларни, сигарет ва шуларга ўхшаш товарларни тадбиркорлар томонида четга чиқариб сотишдан олинган даромад (фойда)ларига нисбатан "0" ставкали солиқ тўловини қўллаш;

- мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган, аммо тадбиркорлар (яъни аҳоли) томонидан четдан олиб келинишини ва аҳолига арзон баҳоларда сотилишини таъминлаш мақсадида улар даромади (фойдаси)дан солиқ ундирилишини четлаш ва шу кабиларни.

5.Давлат солиқ сиёсати орқали айрим имитиёзли ставкаларни қўллашни кучайтириш масалан, “ноллик” ставкани аҳоли истъемол этадиган маҳсулотларга қўллашни кўпайтириш, аксинча, айрим самарасиз солиқ имитёзларини кескин қисқартириш мақсадга мувофиқдир, бунда солиқ тўловчиларга берилган ҳам бир солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи даражасида таҳлил қилиш чиқиш керак, ана шундан сўнг бу борадада аниқ ёндошув қилиниши керак.

Маҳаллий Ҳокимият органларининг бюджет даромадлари режасини тўлик бажарилишини таъминлаш бўйича устувор вазифалари:

- Солиқларнинг йиғилиш даражасини кўтариш;

- Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда уларга кўмаклашиш ва янги иш ўринларини яратиш;
- Ҳудудларда ишлаб чиқариш суръатларини оширишга қаратилган ва тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси бажарилишини таъминлаш;
- Маҳаллий бюджетларни режалаштириш тизимини ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;
- Бюджет даромадларини ошириш бўйича қўшимча ресурсларни излаш.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида бир қатор илмий хулосаларни олишга муваффақ бўлдик. Улар қуйида келтириб ўтилади:

1. Солиқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади макроиқтисодий самарадорликка эришиш ҳисобланиб, маҳаллий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хизмат қиладиган бир қатор юқорида келтирилган дастаклардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин бу дастаклар иқтисодий юксалишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши муаммоси мавжуддир. Улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик чора-тадбирларни кўриб, бу дастакларни иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этишида унинг таъсирчанлигини ошириш муаммоси ҳал этилмоғи лозим.

2. Тошкент вилояти Бўка тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларга эътибор қаратадиган бўлсак, туман Давлат солиқ инспекциясига тушган жами тушум 2014 йил 1 чорак бўйича 2933266,9 сўмни ташкил этган бўлиб, бундан ягона солиқ тўлови 276673,3 сўмни, тадбиркорлик даромад солиғи 244699 сўмни ҳамда қўшилган қиймат солиғи 304426,1 сўмни ташкил этганлигини гувоҳи бўлдик. Бу кўрсаткичлар бюджет-солиқ сиёсатини жадал равишда олиб борилаётгангидан далолат беради.

3. Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Масалан, бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолган пайтда истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши рағбатлантирилади.

4. Ялпи талаб қанчалик кўпайгани билан у иқтисодиётни ишлаб чиқариш имкониятлари (мавжуд ресурслар ва технологияларнинг шартли миқдори ва сифати) доирасидан ташқарига "суриб қўйишга" қодир бўлмайди. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига яқинлашганда йиғма талабнинг ўсиши асосан реал ишлаб чиқаришнинг эмас, балки нархларнинг кўтарилиши

хисобига рўй беради. Бинобарин, рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати иқтисодиёт пасайиш вазиятида бўлгандагина чинакам ижобий самара беради.

5. Солиқ ставкаларини ўсиши давлат бюджети даромадларини оширишга қаратилганлиги билан у маълум муддатгача амал қилади. Давлат солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали иқтисодиётга турлича таъсир кўрсатади. Лекин давлатнинг солиқ ставкаларини юқори ёки паст қилиб белгилаши натижасида ялпи талаб ва таклифнинг эгилувчанлигига қай даражада таъсир этиш муаммоси пайдо бўлади.

Миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий солиқ сиёсатининг таъсирини оширишда давлат томонидан олиб бориладиган ишларда қуйидагиларга кенг эътибор бериш ижобий натижалар олиб келишига умид қиламиз:

1. Юридик шахсларга нисбатан енгил солиқ муносабатларини юргизиш лозим. Бу йўлда давлатни эркин ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизида фаолият кўрсатувчи юридик шахсларга бериладиган эркинликларни эътиборга олган ҳолда ижтимоий жиҳатга моил маҳсулот ишлаб чиқарувчи шахсларга рақобатга бардош бера оладиган солиқ муносабатларини қўллаш лозим.

2. Маҳаллий солиқ сиёсатини доимий равишда халқ манфаатларига нисбатан мувофиқлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратилиши мақсадаг мувофиқдир.

3. Ҳукумат аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида солиқ сиёсатини солиқ ставкаларини пасайтириш, амал қилаётган солиқ муносабатидан чўчимаган ҳолда самарали фаолият юргизишни қизиқтирилишига ҳам қаратмоғи зарур.

4. Маҳаллий солиқ сиёсатини барқарорлаш мақсадида давлат ўз молиявий органлари фаолиятига таянилган ҳолда қуйидаги муаммоларни ечилишига имкониятларини яратиб бериши ҳам муҳимдир.

5. Ҳукумат маҳаллий солиқ сиёсати орқали айрим имитиёзли ставкаларни қўллашни кучайтириш керак. Мисол учун, “ноллик” ставкани аҳоли истеъмол этадиган маҳсулотларга қўллашни кўпайтириш, аксинча, айрим самарасиз солиқ имитиёзларини кескин қисқартириш мақсадга мувофиқдир, бунда солиқ тўловчиларга берилган ҳам бир солиқ имитиёзларининг самарадорлигини ҳар бир имитиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи даражасида таҳлил қилиш чиқиш керак, ана шундан сўнг бу борадада аниқ ёндошув қилиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2011 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: ЎзР ДСҚ – 2011 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2005 й; 25 декабрь, 567-сон ўрори «2006 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 27 декабр 2006 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бюджет тизими тўғрисида», «Халқ сўзи», 2000 й; 18 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонуни». 1997 йил 24 август.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.
2. Каримов И.А. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маурузас. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ.
3. Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» номли маъруза. Халқ сўзи, 2007 йил, 13 февраль.
4. Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. «Ишонч» газетаси 2002 й, 15 феврал.

5. Каримов И.А. «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т.: «Ўзбекистон» – 1997 йил.

6. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

7. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002 й. - 204 бет.

8. Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2004. – 270с.

9. Соколов А.А. Теория налогов – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. – 506с.

10. Ходиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: Янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. – Т.: ТДИУ. -2005. -168 б.

11. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народа. ОГИЗ. Соуэгиз. М. 1935. Сс 341-414.

12. Яхеев Ў.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Фан ва технологиялар марказининг босмаҳонаси. Т. 2003 й.

13. Завалишина И.А. Солиқлар: Назария ва амалиёт. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005. – 544б.

14. Абдуллаев Е.А. «Яхеев Ў. Солиқ ҳақида 100 савол ва жавоб», Тошкент, «Меҳнат», 1997 й ва 2000 йил;

15. Жураев Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида. Т. «Меҳнат», 2003.

16. Мингбоева Х. “Солиқ тизимини такомиллаштиришнинг баъзи масалалари (Япония тажрибаси мисолида)”. “Япония ривожланиш тажрибаси-Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари” семинар материаллари. Т. Жайка 2005.

17. Тухлиев Б.К., Азизов О.М. “Солиқ юқларини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили”. Т.2007.

18. Акрамов Э.А. Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан, Ташкент, «Люкс-арт»; 1998 й;

19. Гадоев Э.Ф. Ўзбекистон Республикасида солиқлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси уйи. Тошкент, 1996 й;

20. Гадоев Э.Ф, Югай Л.П. Солиққа оид хатолар. Тошкент, 1996 й.

Статистик маълумотлар тўплами

1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий шарҳ, 2012 йил январ-декабрь “Ўзбекистон”, Тошкент.: 2013. №11

2. Узбекистан в цифрах за 2012 г. Статистический сборник Ташкент, 2013 г.

3. Мухаметшин Ф. Россия – Узбекистан: от партнерства – к союзническим отношениям. “Труд”. 2005, 23 ноября.

Интернет веб-сайтлари

1. www.gov.uz
2. www.mf.uz
3. www.soliq.uz
4. www.mineconomy.uz
5. www.lex.uz
6. www.press-service.uz
7. www.cbu.uz
8. www.undp.uz

**2014 йилда Тошкент вилояти Бўка тумани бўйича бюджет ва бюджетдан
ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

МАНБА НОМИ	ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ТУШГАН ТУШУМ	ЧОРАК ДАВОМИДА БЕРИЛГАН РЕЖА	ЧОРАК БОШИДАН ТУШГАН ТУШУМ	Фарқи (+; -)
1	2	3	4	5
БЮДЖЕТ БУЙИЧА ЖАМИ	2 933 266,9	5 146 226,0	2 933 266,9	-2 212 959,1
ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАР ДАРОМАД СОЛИГИ	893 108,1	1 272 723,0	893 108,1	-379 614,9
ТАДБИРКОРЛАР ДАРОМАД СОЛИГИ	244 699,0	359 861,0	244 699,0	-115 162,0
КУШИЛГАН КИЙМАТ СОЛИГИ	304 426,1	1 087 422,0	304 426,1	-782 995,9
ФойДА СОЛИГИ	59 710,8	38 926,0	59 710,8	20 784,8
ИНФРАСТРУКТУРА СОЛИГИ	17 562,9	9 875,0	17 562,9	7 687,9
ЯГОНА СОЛИК ТУЛОВИ ЖАМИ	276 673,3		276 673,3	276 673,3
ИШ/ ЧИКАРИШ ВА БОШКАЛАР ЯГОНА СОЛИК ТУЛОВИ	196 463,9	174 706,0	196 463,9	21 757,9
САВДО ВА УМУМ ОВКАТ ЯГОНА СОЛИК ТУЛОВИ	80 209,3	121 822,0	80 209,3	-41 612,7

1	2	3	4	5
шу жум. Улгуржи савдодан 5% ягона солиқ тўлови	8 594,9		8 594,9	8 594,9
БЕНЗИН ВА ГАЗ ИСТЕЪМОЛ СОЛИГИ	286 070,4	465 228,0	286 070,4	-179 157,6
БОЗОР ПАТТА ТУЛОВИ	104 394,2	116 757,0	104 394,2	-12 362,8
МОЛ МУЛК СОЛИГИ ЖАМИ	108 069,0		108 069,0	-168 950,0
ЮРИДИК МОЛ МУЛК СОЛИГИ	36 039,5	142 177,0	36 039,5	-106 137,5
ЖИСМОНИЙ МОЛ МУЛК СОЛИГИ	72 029,5	134 842,0	72 029,5	-62 812,5
ЖАМИ ЕР СОЛИГИ	220 527,0		220 527,0	-330 508,0
НОКИШЛОК ЕР СОЛИГИ	22 731,7		22 731,7	22 731,7
ЯГОНА ЕР СОЛИГИ	121 880,8	254 592,0	121 880,8	-132 711,2
ЖИСМОНИЙ ЕР СОЛИГИ	75 914,5	296 443,0	75 914,5	-220 528,5
СУВ СОЛИГИ	501,1	21 200,0	501,1	-20 698,9
НЕДРА СОЛИГИ	0,0		0,0	0,0
МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАЛАРДАН ТУШУМ	85 720,5	413 614,0	85 720,5	-327 893,5
МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРДАН ТУШУМ	4 684,8		4 684,8	4 684,8

1	2	3	4	5
ДАВЛАТ БОЖЛАРИ (НОТАРИУС, ПАСПОРТ ВА БОШКА)	166 642,4	172 586,0	166 642,4	-5 943,6
БОШКА ЙИГИМЛАР (ГУВОХНОМА, ЛИЦЕНЗИЯ)	34 445,6	12 777,0	34 445,6	21 668,6
ДАН ЖАРИМАЛАРИ	73 796,5	3 265,0	73 796,5	70 531,5
БОШКА ТУШУМЛАР ЖАМИ	39 504,1	47 410,0	39 504,1	-7 905,9
ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИ БУЙИЧА ЖАМИ	3 269 944,0	4 983 195,5	3 269 944,0	-1 713 251,5
ЖИСМОНИЙ ПЕНСИЯ	81 434,6		81 434,6	81 434,6
ЙУЛ ЖАМГАРМАСИ БУЙИЧА ЖАМИ	124 214,3	175 000,0	124 214,3	-50 785,7
МАКТАБ ЖАМГАРМАСИ БУЙИЧА ЖАМИ	61 204,0	115 000,0	61 204,0	-53 796,0